ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЭСКИ ТУРКЧА СЎЗЛАР: “ТУС” СЎЗИ ЎРНАГИДА

Ғайбулла Бобоёр[1], Маъруфжон Дустмуродов[2]
[1]т.ф.д., проф. ЎзР ФА Миллий археология маркази
[2]ф.ф.ф.д., доцент Ориентал университети
https://doi.org/10.5281/zenodo.20344445

Аннотация. *Мазкур мақолада ўзбек тилидаги қариндош-уруғчиликка оид лексиканинг тарихий илдизлари ва уларнинг туркий тиллар доирасида сақланиш даражаси таҳлил қилинади. Хусусан, мақолада эски туркча “тус” сўзининг келиб чиқиши, маъно тараққиёти ва ҳозирги ўзбек тилининг айрим шеваларида сақланиб қолган қўлланиш хусусиятлари кенг ёритилади. Муаллифлар туркий тилларда қариндошлик атамаларининг барқарорлигига эътибор қаратиб, уларнинг бошқа лексик қатламларга нисбатан камроқ ўзгарганини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, ўзбек тилида араб ва форс тилларидан ўзлашган айрим қариндошлик атамалари мавжуд бўлса-да, қатор қадимги туркий сўзлар ҳануз фаол истеъмолда экани мисоллар асосида кўрсатилади. “Тус” сўзининг этимологияси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган “туз (tüz)” сўзи билан боғланиб, унинг “асл, негиз, тўғри” каби маънолари орқали изоҳланади. Шу асосда “тус тоға”, “тус жиян” каби бирикмаларнинг “туғишган, ҳақиқий қариндош” маъносини англатиши далилланади. Мақолада шунингдек, замонавий нутқда рус тили таъсирида “родной” каби сўзларнинг кенгайиб бораётгани танқидий баҳоланиб, миллий лексикани асраш зарурати илмий жиҳатдан асосланади.*

Калит сўзлар. *қариндош-уруғчилик, эски туркча, тус сўзи, этимология, ўзбек тили*

Туркий тилларнинг бугунгача унчалик кўп ўзгаришга учрамаган сўзлари туркумини қариндош-уруғчилик билан боғлиқ сўз ва атамалар ташкил этади. Бу тутум туркий элларнинг энг кучиқарида яшайдиган якут (саха) турклари бўлсин, энг кунботарда ўрнашиб қолган Онадўли турклари бўлсин, деярли барча туркийлар бошқа сўз туркумларига қараганда қариндош-уруғчиликка тегишли сўзларни яхши сақлаб қолганида кўринади. Туркий тиллар орасида энг кўп сўзлашувчиларга эга эллардан бири бўлган ўзбекларнинг сўзлашув тили ўрнагида кўриб чиқилганда ҳам яқин қариндошлар билан боғлиқ сўзлар унчалик кўп ўзгармасдан бугунгача етиб келганига таниқ – гувоҳ бўламиз. Тўғри, ўзбек тили бу масалада Олтой, Сибир, Ўрта Осиё туркийларининг бир қанчасидан бирмунча фарқланиб, арабча, форсча каби ўзга тиллардан айрим сўз ва атамаларни олгани аниқ, бироқ бошқа қардошларимизда сақланмаган айрим эски туркча сўзларнинг ўзбекчада бугунги кунда ҳам кенг қўлланилаётганини айтиб ўтиш керак.

“Амма”, “хола”, “амаки” сингари яқин қариндошлар билан боғлиқ айрим сўзларни араблардан ўзлаштирган ўзбеклар, ўз навбатида қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, Онадўли ва Озарбайжон турклари, татар, бошқирд ва бошқа яна ўнлаб туркий эл-улуслардан фарқли ўлароқ “ака”, “ука” каби сўзларни бошқа туркийларга қараганда энг кўп ишлатишлари яхши билинади. Ушбу сўзлар ўрнида қозоқ бовурларимиз “аға”, “ини”, Онадўли турклари эса “ағабей”, “қардеш” сўзларини ишлатиб, шу томондан ўзбеклардан бирмунча ажралиб турсалар, онанинг ака-укалари учун қўлланиладиган “тоға” сўзи ўрнида қозоқлар “нағаши”, туркияликлар, озарбайжонликлар ва туркманлар эса “дойи” сўзини

ишлатадилар. Ўзбекларнинг ўғуз тармоғи – Хоразм ва Бухоронинг айрим туманларида тоға сўзини шу кўринишда учрайди. Туркий сўзларни илк бор деярли тўлалигича қоғозга туширган Маҳмуд Кошғарий (XI юзй.) ўзининг “Девону луғатит турк”ида уни “тағай” кўринишида келтирганидан келиб чиқилса, ўзбек тилидаги “тоға”, айрим ўзбек шеваларидаги “тағай”, “тағайи” сўзлари бошқа туркий тилларга қараганда яхши сақланиб қолгани англашилади. Қозоқлардаги “нағаши” (тоға) сўзи мўғулчадан ўзлашган бўлса, “дойи” дегувчи туркийлар “тағай”, “тағайи” сўзларидаги “т” товушини “д”га ўзгартирибгина қолмай, бирмунча қисқартириб ишлатиб келмоқдалар.

Кези келганда айтиб ўтиш керак, кўпчилик турк тилбилимчилари – туркологлар туркий тиллардаги “оға”, “ака” сўзларига XIII – XIV юзйилликларда мўғулчадан ўзлашган сўз деб қарайдилар. Чиндан-да, “Девону луғатит турк”да шу, ё бўлмаса, шунга яқин бирор сўзнинг учрамаслиги бу кўзқарашни кучайтиради. Маҳмуд Кошғарий “**ичи**” кўринишида келтириб [қар. Кошғарий 1960: 114], “ака” сўзи ўрнида қўлланиладиган сўз Олтой ва Сибир туркларининг айримларида сақланиб қолган. Шунга ўхшаш ака анламидаги “эчи”, “эжи” сўзлари Онадўли турк шеваларида учрайди [Doerfer II: 15-16]. Шунга қарамай, оға ёки ака сўзи мўғулча бўлмасдан, Олтой тил оиласи тармоқларида, шу жумладан, эски туркчада ҳам қўлланилган, бироқ эски ёзма манбаларда учрамагани учун бу сўзларни мўғулча дейиш унчалик тўғримас деб қаровчилар ҳам бор. Энасой битигларидан бирида “ака” сўзи “аға” кўринишида учраши бу қарашимизни кучайтиради [Бабаяров, Кубатин 2016: 32-36]. Шунингдек, турк, ё бўлмаса мўғул экани тортишувли бўлган, IV – V юзйилликларда Шимолий Хитойни бошқарган Тоба-Вэй сулоласи бошқарувчилари “тоба” элати тилида “а-кан” сўзи учраб, изланувчилар бу сўзни “ака” сўзи билан тенглаштирадилар [Boodberg 1936: 169-179; Clauson 1960: 114-118]. Бу эса “ака” ёки “оға” сўзлари чамаси анча узоқи чоғларда қўлланилиб, деярли минг йил орасида унутилиб, Чингизийлар чоғида яна қайтиб келган сўз бўлса керак дейишга ундайди.

Шу ўринда туркий тилларда деярли учрамайдиган, бироқ ўзбек тилида кўп қўлланилиб, “ини” сўзининг ўрнини бутунлай эгаллаб олган, бу сўзнинг қўлланилиш теграсини торайтириб қўйган “ука” сўзига ҳам озгина тўхталиб ўтсак. Кўпроқ ўзбек ва уйғур тилларида учраб, қорақалпоқчада ҳам онда-сонда қулоққа чалинадиган бу сўз бошқа туркий тилларда учрамайди. Айниқса, қозоқ, қирғиз ва туркман каби яқин қўшниларимизда шу ёки шунга ўхшаш сўзнинг қўлланилмаслиги, Олтой ва Сибир туркийларида, Волга – Уралбўйида, Онадўли ва Озарбайжонда бу сўзни тушунмасликлари қизиқ. Шунингдек, Ўрхун битиктошлари-ю, “Девону луғатитит турк” у ёқда турсин, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар чоғи туркий ёзма асарларида ҳам “ука” сўзи кўзга ташланмаслиги уни туркий бўлмаган бирор қўшни ёт элдан олинган деган қарашга ундайди. Бироқ на форсийлар, на араб, ҳинд ва хитойликларда “ука”ни эслатадиган сўз йўқ. “Ука” сўзи чиғатой туркчаси ёзма асарларидан бошлаб учрай бошлаб [Doerfer 1965, II: 154], бугунги кун ўзбекчаси орқали тожикчага ҳам ўзлашган сўз деб билинади. шунингдек, “ука”, “уке” сўзлари ўзбек тилининг айрим тармоқларида ва қорқалпоқчада “сингил” англамида ҳам қўлланилади.

Ўрхун битиктошларида “ини” кўринишида тилга олинган “ука” сўзига ўхшаш сўз “ўг” (она) сўзи билан битта негиздан экани, ё бўлмаса, тескариси экани аниқланмаган. Бундан ташқари, “Девону луғатит турк”да келтирилган “**ўгä** – тажрибали, ақлли, кўп яшаган одам” ёки “**ўкäläди –** ака деб юритди. *Ул аны ўкäläди* – у уни ака, яъни юрт каттаси деб юритди” деган билги эски туркчада “ўкälämäк” от ёки сифат эмас, феъл ўлароқ қўлланилганини кўрсатади [*қар.* Кошғарий 1960: 302]. Бу сўзлар ўзбек, уйғур ва

қорақалпоқчадаги “ука” сўзи билан битта негиздан, ё бўлмаса, тескариси экани ўрганилмаган.

Туркий тилларнинг кўпчилигида “ата” (ота), “ана” (она) сўзлари сўзлари учраб, ҳар иккала сўз ҳам Ўрхун-Энасой битиктошларида деярли учрамайди. Битиктошларда ота сўзи ўнида “қанг”, она сўзи ўрнида эса “ўг” сўзи учрашидан [Абдураҳмонов, Рустамов 1982: 105, 108] келиб чиқиб айрим изланувчилар “ота”, “она” сўзлари ўша кезларда унчалик кенг тарқалмаган, ҳар иккаласи туркий тилнинг бирор тармоғига хос сўзлар бўлиб, кейинчалик барча турк тилларига ўзлаша бошлаган деб қарайдилар. XI юзйилликда Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк”да “ата”, “ана” (қаттиқ “а” унлиси билан) сўзларини бугунгидай англамда келтириб ўтган. Ўшандан бери бу сўзлар туркийларда деярли ўзгаришга учрамасдан қўлланилиб келади. Шу билан бирга, Онадўли туркчасида “ата” (ота-бобо, аждод), қозоқчада эса “ата” (бобо) ўлароқ қўлланилиб, улар ўрнида туркияликлар “баба” (қаттиқ а унлиси билан), қозоқ бовурларимиз “әке” сўзларини ишлатадилар. Озарбайжонликлар эса эски туркча “ата” сўзини ўз ўрнида қўллайдилар. Онадўли турклари “она” сўзи ўрнида кўпинча “анне”, айрим ўринларда “ана” сўзини ишлатса, қозоқлар бу сўз ўрнида кўпинча “шеше” сўзини қўлланадилар. Қирғизлар отани “ата”, онани “эне” деб чақиришади. Шу томони билан қирғизча ўзбекчанинг айрим тармоқларидаги “эна” сўзига яқин сўзни ишлатишади. Туркманлар эса кўпчилик туркийлардан фарқли ўлароқ “қақа” (ота), “эже” (она), қозон татарлари эса бу сўзлар ўрнида кўпинча “әти”, “әни”, айрим ўринлардагина “ата”, “ана” сўзларини қўлланиладилар. Венгерлар фин-угор элларидан бири бўлсалар-да, туркийлар билан узоқ қариндошлигининг ёрқин ўрнаги ўлароқ “атйа”, “анйа” сўзларини сақлаб қолишган.

Қизиғи шундаки, кўпинча ўзбеклар томонидан “ота-она” кўринишида қўшалоқ сўз ўлароқ ишлатиладиган атамалар шу кўринишда озарбайжон, уйғур, қозоқ тилларида қўлланилади, бироқ Онадўли туркларида бу кўринишда ишлатилмайди. Яъни уларда “ота” сўзи эски туркчадаги англамини йўқотган. Қисқаси, “ота-она” сўзларини Маҳмуд Кошғарий қай кўринишда ва қайси англамда келтирган бўлса, туркий эллар орасида кўпроқ ўзбеклар, уйғурлар ва озарбайжонлар ўша кўринишларда қўлланишда давом этмоқдалар.

Энди, юқорида келтирилган сўзлар билан бирга ишлатилиб, уларга янада аниқроқ англам берадиган айрим сўзларга тўхталиб ўтсак. Ўзбек адабий тили ва унинг турли тармоқларида унутилган, бироқ ўзбекчанинг қипчоқ тармоғида сақланиб қолган “тус” сўзи шундай сўзлар сирасидан. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги айрим қишлоқларда “тус тоғам” сўзи “чин тоғам, ҳақиқий тоғам” англамида келади. Яъни жиянлар онасининг туғишган ака-укасини “тус тоға” деб биладилар. Шунингдек, тоғалар томонидан ўз опа-сингилларининг боласига нисбатан “тус жиян” сўзи ишлатилиб, атоқли ўзбек тилшуноси Т. Нафасов бу сўзга “авлод ошмаган (қариндошлик даражаси)” деб очиқлама берган [Нафасов 2011: 300]. Юмшоқ “у” (ü) билан айтиладиган “тус” (tüs) сўзининг негизида қайси сўз ётиши етарлича аниқланмаган. Шундай бўлса-да, биз бу сўзнинг илдизи қайси сўзларга бориб тақалишини аниқлашга уриниб кўрамиз.

“Девону луғатит турк”да “тус” эмас, юмшоқ “у”ли бир неча англамли (омоним) “туз” tüz” сўзи учраб, унга қуйидагича очиқламалар келтирилган:

1. “туз (tüz) – тўғри, текис нарса” [Кошғарий 1960: 314; Кошғарий 1963: 135].
2. “туз (tüz) – қайиш ёки камарга тақиладиган ва боғланадиган ҳалқа” [Кошғарий 1963: 135].

3. “туз (tüz) – *эл туз нетäк* – мамлакат, эл, қандай?” [Кошғарий 1963: 135].
4. “туз (tüz) – асл, таг, асос. *Аниң туби, тузи ким* – Унинг таги, асли ким. Кимга бориб тақалади” [Кошғарий 1963: 135].

Бизнингча, Кошғарий очиқлаган ушбу сўзларнинг айримлари битта негиздан бўлса керак: “туз – тўғри, текис нарса”, “туз - асл, таг, асос” кабилар. Бу сўзнинг ўзбекчадаги “тус” (tüs) кўриниши чамаси “з” ундошининг айрим ўринларда “с” ундошига айланиши каби тил ҳодисаси билан боғлиқ. Шу билан бирга, эски туркчадаги “туз (tüz)” сўзи билан битта ўзакдан бўлган сўзлар ўзбек тилида ҳам сақланиб қолганини кўздан қочирмаслик керак. Ўрнак келтирадиган бўлсак, ўзбек тилида минерал турларидан бирини билдириб, емакка солинадиган “туз” (tuz) сўзидан фарқли айтиладиган “туз” (tüz) сўзи “текис ер, кенг текислик” англамида қўлланилади [ЎТИЛ 2008: 179]. Шу йўсинда у “Девону луғатит турк”даги “тўғри, текис нарса” англамига ўта яқин келади. Қозоқ тилида “туз” (tüz) сўзи кўпроқ “дала, кенг яланглик” англамини билдириши билан бирга айрим ўринларда “тўғри, чин” ўрнида ишлатилса, Онадўли туркчасида “дуз” (düz) сўзи “текис, тўғри” англамларида қўлланилади. Шунингдек, ўзбекчадаги “барпо этмоқ, вужудга келтирмоқ, яратмоқ” англамидаги “тузмоқ” феъли ҳам шу сўз билан битта негиздан [ЎТИЛ 2008: 182]. Бундан ташқари, ўзбекчадаги “тузук” (tüzük) сўзи “тўғри, яхши” ва яна бир неча англамлардаги сифат бўлиб, унинг ўзагида ҳам эски туркча “туз” (tüz) сўзи ётади дейиш мумкин.

Қисқаси, ўзбек тилининг айрим тармоқларида сақланиб қолиб, кўпинча қариндош-уруғчилик билан боғлиқ атамаларга қўшиб ишлатиладиган “тус” сўзининг негизи эски туркча “туз”га бориб тақалади. Ота-боболаримиз минг йилча олдин “негиз, асл, таг, асос”, “тўғри, текис” англамларида қўллаб, Маҳмуд Кошғарий урғулаганидек, ўзаро учрашиб қолганда “эл, туз нетак” (мамлакат, эл нечук) деб сўрашганликлари, шу йўсинда “эл, қариндош-уруғлар” тинчлигини суриштирганликларига таниқ – гувоҳ бўламиз. Бу эса ўша чоғлардаёқ “туз” сўзи “эл, қариндош-уруғ” англамларини ҳам билдирганини кўрсатади. Ўзбек тили тармоқларидаги “тус тоға”, аслида “туз тоға”, “тус жиян” аслида “туз жиян” бўлиб, англами “туғишган, уруғ, тўғридан-тўғри қариндош”дир. Ачинарлиси шуки, бу сўз ўрнида бугунги кунда сўзлашув тилимизда “чин, ҳақиқий, яқин туғишган” англамида русча “родной” сўзи ишлатилаётгани қулоғимизга чалинади. Демак, бундан минг йиллар олдин яқин қариндошлар учун қўлланилиб, юртимизнинг узоқ бурчакларида қўлланилишда давом этаётган “тус” ёки “туз” сўзлари тилмизни ёт сўзлардан асрашда асқотади.

Қўлланилган адабиётлар

1. Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
2. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 1- том. Тошкент: Фан, 1960.
3. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3- том. Тошкент: Фан, 1963.
4. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати. Тошкент: Муҳаррир, 2011.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Т ҳарфи. Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент, 2008.
6. Boodberg P.A. The Language of the T'o-Pa Wei // Harvard Journal of Asiatic Studies. Vol. 1, No. 2. – Cambridge, 1936. P. 167-185.
7. Clauson G. Turk, Mongol, Tungus // Asia Major, VIII/1, 1960. P. 105-123.